

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРГА ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ
КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА № 887**

Қарши шаҳри

«13» 01 2022

йил.

Қарши шаҳар электр тармоқлари, (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи К.Рахмонов (вазифаси, фамилияси, исми) РИНЦАТ номидан бир томондан ва (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Б. Муҳаммаджонов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Таъминотчи» «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, «Истеъмолчи» эса мазкур шартноманинг 1-иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини қабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.

1.2. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узғаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро қелишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми _____ кВт.с ташкил қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

а) «Таъминотчи»дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)

б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда сақлашни;

в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта таксимланишини «Таъминотчи»дан талаб қилишга ҳақлидир.

г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда «Истеъмолчи» уз хоҳишига қура;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ҳақини тулашни рад этишга

г) «Таъминотчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларнинг «Таъминотчи» билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолнинг ҳисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б) электр тармоқлари, асбоб усқуналарининг тегишли техник ҳолатини ва ҳавфсизлигини таъминлаш;

в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар ҳақида «Таъминотчи»га ҳабар бериш;

г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи усқуналарнинг иш режимига риоя қилиш шартноманинг 4-иловасига мувофиқ;

д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;

е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

а) «Истеъмолчи»дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақини тулашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни асосиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни «Истеъмолчи»дан талаб қилишга ҳақлидир;